
Данғара тумани ҳокими 1-сектор рахбарининг Боғиш маҳалласида сайёр қабули ўтказилди.

Данғара тумани ҳокими 1-сектор рахбари Боғиш МФЙда аҳолини ўйлантираётган муаммолари юзасидан сайёр қабули ўтказилди.

Сайёр қабул давомида фуқароларнинг ичимлик суви, электр таъминоти, ички йўллارни асфалтлаш, тадбиркорлик учун кредит олиш, уй-жойни таъмирлашда кўмаклашиш, 2 ва 14 ёшли бола пули, моддий ва тиббий ёрдам каби масалалар бўйича мурожаатлари бирма бир тингланди.

Барча мурожаатлар тегишли тартибда рўйхатга олиниб, ечими топилган мурожаатлар жойида ҳал этилди ва айрим мурожаатлар ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар билан қониқтирилди. Муддат талаб этилувчи мурожаатлар эса ҳал этиш учун тегишли мутасаддиларга бириктирилиб, назоратга олинди.

Шунингдек, учрашувда вилоят ҳокимининг жорий йил 30-июл кунги 33 сонли йиғилиш баёнида белгилаб берилган топшириққа асосан бугунги кунда ишсиз аҳолини бандлигини таъминлаш бўйича мавжуд имтиёзлар ҳақида тушунтиришлар бериб ўтилди.

2024-08-13 18:15:39